

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

Маккада нозил бўлган. 8 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи ояти охиридаги келган «Баййина» сўзидан олингандир.

«Баййина» сўзи лугатда «баён килувчи», «очик-ойдин хужжат» ва «далил» маъносини билдиради. Хакни собит килиш учун келтириладиган ашъвий далил – баййинадир. Ушбу сурадаги «Баййина» Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг Пайгамбарликларидир.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламга Куръон нозил бўлишидан аввал оламни фиск-фасод коплаган, хамма диёнатлар ботил, бидъат, хурофотга тўлган эди. Ахли китоб хам, мушриклар хам баробарига акийдаси бузук кишиларга айланган эдилар.

Яхудийлар мушрик арабларга: «Бизнинг мукаддас китобимизда айтилишича, якинда Аллох араблардан бир Пайгамбар юборади, у хак билан хукм килади, адолат ўрнатади, биз унга эргшиб сизларнинг устингиздан галаба киламиз», дейишарди. Мушриклар бўлса, ундок бўлса, Сиздан кўра биз унга якинрок бўламиз, деб янги Пайгамбар келишини орзикиб кутардилар.

Аллох таоло Мухаммад соллаллоху алайхи васалламни Пайгамбар килиб юборганида эса барчалари у Зотга карши чикдилар. Куфр калбларини кўр килди ва иймон йўлини тўсди.

Ушбу сураи карима мазкур хакикатни баён килиб келди.

«Баййина» сураси маккий суралардан бўлиб, уни «Лам якун» сураси хам дейилади. Бу сураи карима:

– Ахли китобларнинг Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарликларига нисбатан муносабатларини;

– Аллох таолога ихлос ила ибодат килиш масаласини;

– охиратда кофиру мушриклар ва мўминларнинг окибати кандок бўлиши масаласини баён килади.

Сураи карима ахли китоблар: яхудий ва насороларнинг Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг даъватларига бўлган муносабатларини баён килиш ила бошланади.

Сўнгра иймоннинг мухим унсурларидан бири бўлган амал – Аллох таолога ихлос ила ибодат килиш масаласи муолажа килинади.

Суранинг охирида эса ахли китоб ва мушриклар одамларнинг ёмонлари эканлиги хамда уларнинг жаханнамга киришлари баён килинади.

Шунингдек, мўмин-мусулмонларнинг одамларнинг яхшиси эканликлари ва улар жаннатдан жой олишлари мукаррар эканлиги таъкидланади.

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

1. Ахли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар «баййина» келмагунча ажралмасдилар.

Ушбу ояти каримадаги «Ахли китоб»дан мурод яхудий ва насоролардир. Бузилган бўлса ҳам, самовий китоби бор кавмга «ахли китоб» дейилади. Ушбу ояти карима нозил бўлган пайтда ҳам, хозир ҳам яхудий ва насоро(христиан)лардан бошка ахли китоб йўк. Яхудийлар Таврот ахли, насоролар Инжил ахлидирлар.

Шунингдек, оятдаги «мушриклар»дан мурод бутпарастлардир. Баъзи кишилар яхудийлар ва насоролар ҳам мушрик-ку, яхудийлар Узайр – Аллохнинг ўгли, насоролар Ийсо – Аллохнинг ўгли, дейишади-ку, деган мулохаза билан ушбу ояти карима маъноси хақида ўйлаб ҳам колишади. Тўғри, уларда ҳам мушриклик аломати бор, лекин ахли китоблик васфи устун. Шунинг учун уларни ахли китоб, дейилаверади.

Ояти каримада «ахли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар», дейилиши бу икки тоифа ҳам кофир эканлигини билдиради. «Ахли китоб»лар ҳам Аллохга, Пайгамбарга, илохий китобга, охиратга иймон келтиради-ку, улар мўмин бўлишмайдими?» деган савол ноўрин. Чунки улар Аллох айтганидек иймон келтиришмаган, Аллохнинг амрини ва китобини ўзларича бузишган, бу эса куфрнинг каттасидир.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг Куръонни кабул қилиб олиб, Исломига чақиришлари очик-ойдин хужжат бўлган. Жумладан, ахли китоб ва мушрикларнинг куфр ва залолатда эканликларини ҳам баён қилувчи очик-ойдин хужжат бўлган.

Ояти каримада ахли китоб ва мушриклар ана ўша «баййина» келгунча ажралмасдилар, дейилмоқда. Нимадан ажралмасдилар? Ўзлари лозим тутган куфр ва залолатдан. Уларнинг хаммалари ота-боболаридан уларга мерос бўлиб қолган куфрлари ва залолатларидан ажралмасдан аввал қандок бўлсалар, шундок бўлиб юраверар эдилар.

Лекин Аллох таоло томонидан хидоят ва хақиқатнинг «баййина»си – очик-ойдин хужжати бўлиб, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарликлари келгандан сўнг, уларнинг баъзилари куфр ва залолатдан ажраб, иймон ва хидоятга қира бошладилар. Зотан, дастлаб мусулмон бўлганларнинг асли ахли китоб ёки мушрик бўлгандир.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ушбу ояти кариманинг маъноси куйидагича бўлади.

Ахли китоб бўлмиш яхудий ва насоролар ҳамда мушриклардан иборат бўлган куфр келтирганларга ўтган илохий китобларда зикри келган «баййина» – хужжат – Мухаммад алайхиссалом Пайгамбар бўлиб келмагунларича улар ўз куфрлари ва залолатларидан ажралмасдилар.

«Баййина» – «хакни баён килувчи хужжат» нималигини келаси оят тушунтиради.

2. У (баййина), Аллох тарафидан юборилган Расул бўлиб, покланган саҳифаларни тиловат киладур.

Яъни «Баййина» Аллох томонидан юборилган Расулдир. У ёлгондан, шакдан, нифокдан, залолатдан ва барча шунга ўхшаш ифлосликлардан покланган саҳифаларни, Куръонни уларга ўкиб беради.

3. Уларда ажойиб битиклар бор.

Яъни Аллох таоло томонидан юборилган, хакнинг ботилдан фар-кини баён килувчи хужжат бўлмиш Пайгамбар уларга ўкиб берадиган ўша саҳифаларда ажойиб битиклар бордир.

4. Китоб берилганлар уларга «баййина» келганидан сўнггина бўлиниб кетишди.

Аввал китоб берилганларнинг хаммалари бир овоздан, иттифок бўлиб, яқинда янги Пайгамбар чиқади, унинг сифатлари бизнинг мукаддас китобларимизда бундок-бундок, деб айтишарди. Аллох таоло худди ўша сифатларга эга бўлган Зотни, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламни, Пайгамбар килиб юборгандан сўнг эса улар тафрикага тушиб бўлиндилар, баъзилари иймон келтириб, мусулмон бўлди, баъзилари хасад килиб, инкор килди, учинчилари эса биз айтган Пайгамбар бошка эди, дейишди ва хоказо.

5. Холбуки, улар факат Аллохгагина ибодат килишга, Унинг динигагина ихлос килишга, бошка динларга мойил бўлмасликка, намозни тўлик ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу тўгри(миллат)нинг динидир.

Ха, ахли китоб бўлмиш ўша яхудий ва насоролар Таврот ва Инжилда факат Аллох таолонинг Ўзигагина ибодат килишга амр этилган эдилар. Аммо улар бу амрни бажо этмадилар. Улар Аллохдан бошкага, Узайрга, Ийсога, Марямга, хатто ўз ахбор ва рахбарларига хам ибодат килдилар.

Аллох субханаху ва таоло «Тавба» сурасида:

«Ва улар ахборлари ва рохибларини Аллохдан ўзга Робб килиб олдилар ва Масийх ибн Марямни хам. Холбуки, улар факат ягона илохгагина ибодат килишга амр килинган эдилар», деган.

Албатта, ахбор ва рохибларга ибодат килиш уларга сажда килиш эмас, уларнинг ўзларича халол деганини халол билиб, харом деганини харом билиб, Аллох таолонинг айтганини қўйиб, уларнинг айт-ганига юришдир. Улар.

«Унинг динигагина ихлос килишга... буюрилган эдилар.

Ха, ахли китоблар бўлмиш яхудий ва насоролар факат Аллох таолонинг динигагина ихлос килишга, холис шу дингагина амал килишга амр килинган эдилар. Лекин улар бу амрни бажо келтирмадилар. Улар Аллох таолонинг динига турли-туман нарсаларни, жумладан, ўзлари тўкиб чиқарган бидъат-хурофотларни хам аралаштириб юбордилар.

Аллох таолонинг динига ихлос килиш факат Аллох таолонинг Ўзини кўзлаб, розилигини ўйлаб иш килишдан иборатдир. Ихлос ибодатнинг магзидир. Хадиси кудсийда Аллох таоло:

«Мен ширкдан беҳожатларнинг беҳожатиман. Бас, ким бир амал килса-ю, унда Мендан бошкани ширк келтирса, Мен уни ҳам, ширкини ҳам тарк килурман», деган.

Уламоларимиз амалларни учга таксимланганлар:

1. Амр килинган амаллар. Буларни килишда Аллох таолонинг розилигини кўзлаш шарт. Агар ният сал бошқача бўлса, риёга айланади.

2. Наҳйи килинган – кайтарилган амаллар. Бундок амалларни ният килмай тарк килса, уларнинг зараридан фориғ бўлади, аммо савоб олмайди. Аммо ният килиб, Аллох таолонинг розилиги учун мазкур ишларни тарк килса, ажр олади.

3. Мубох амаллар. Емок-ичмок, оила хаётига ўхшаш ишлар. Бу амалларни ниятсиз килса, ажр олмайди. Аммо Аллох таолонинг розилигини олиш ниятида килса, ажр олади. Хар бир мубох амал Аллох таолонинг розилигини ният килиш ила ибодатга айланади. Ибодатга кувват бўлсин, деган ниятда таом тановул килиш ҳам ибодат.

Шунингдек, улар «бошқа динларга мойил бўлмасликка...» буюрилган эдилар.

Ха, ахли китоб бўлмиш яхудий ва насоролар Аллох таолонинг динида собит туришга, бошқа динларга мойил бўлмасликка амр килинган эдилар. Улар бу амрни ҳам бажо келтирмадилар. Аллох таолонинг дини Ислом қолиб, турли дин ва мазхабларга эргашиб кетдилар.

«Намозни тўлик ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар.»

Ха, ахли китоб бўлмиш яхудий ва насоролар намозни тўла-тўқис адо этишга, фарз бўлган закотни беришга амр килинган эдилар. Аммо улар бу амрни ҳам бажо этмадилар.

Улар ўзларига буюрилган мазкур амрларни бажо этганларида, ўзларига яхши бўлар эди. Чунки:

«Ана шу тўгри(миллат)нинг динидир».

Ана ўша, васфи юкорида зикр килинган тўгри миллатнинг дини – Ислом миллатининг динидир. Модомики, ўша ахли китобдан ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар Аллох таолонинг амрини адо этмаган эканлар, тўгри йўлдаги миллатнинг динига юрмаган эканлар. Энди...

6. Албатта, ахли китоб ва мушриклардан бўлган куфр келтирганлар жаханнам ўтидадурлар, у ерда абадий колурлар. Ундайлар халойикнинг энг ёмонидирлар.

Яъни ахли китоб бўлсин, мушрик бўлсин – бари бир, Куръонга, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга иймон келтирмай, куфр келтирса, охиратда жаханнамга тушади ва у ерда абадий колади. Улар халойикнинг энг ёмонидирлар. Чунки дунёда кофирликдан кўра ёмонрок нарса йўк.

Бунинг аксича...

7. Албатта, иймон келтирганлар ва солих амалларни килганлар, ана ўшалар, халойикнинг энг яхшисидир.

Чунки дунёда иймон ва амали солихдан кўра яхширок ҳеч бир иш йўк.

Куръони Карим доимо иймондан сўнг амали солихни келтиради. Чунки хакикий иймон калбда тасдик топиб, амал билан тасдикланганидир. Амали солих эса Аллох таоло

буюрган яхши ишлардан иборатдир.

8. Уларнинг мукофотлари Роббилари хузуридаги остидан анхорлар окиб турган «адн» жаннатларидир. У ерда абадул-абад колурлар. Аллох улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Бу – Роббисидан кўркканлар учундир.

Яъни иймон келтиргач, солих амаллар килиб, халойикнинг энг яхшиси унвонига мушарраф бўлган аброр бандаларнинг у дунёдаги мукофотлари Роббилари хузуридаги остидан анхорлар окиб турадиган «адн» жаннатидир. «Адн» дегани «доимий икомат жойи» маъносини англатади.

«У ерда абадул-абад колурлар.»

Яъни улар мазкур «адн» жаннатида доимий коладилар. У ердан чикмайдилар ҳам, у ерда ўлмайдилар ҳам. Балки доимий хузур-халоват, нозу неъматда бардавом бўладилар.

«Аллох улардан рози бўлди...»

Яъни Аллох таоло уларнинг бу дунёда килган иймон-эътикод ва тоат-ибодатларидан рози бўлди.

«...улар ҳам Ундан рози бўлдилар.»

Яъни мўмин бандалар ҳам ўзларига берилган олий мартабалар ва яхшиликлар учун Аллох таолодан рози бўлдилар.

«Бу – Роббисидан кўркканлар учундир.»

Аллох таоло барчамизни Роббисидан кўрканлардан килсин. Омин!